

**АВЕСТОДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР.***Нигора Мўминова**Наманган вилоят**тарихи ва маданияти давлат музейининг**Адабиёт бўлими мудираси.*

Авесто зардуштийлик дини дунё қарашини фалсафий ахлоқий тизимини ўзида мужассам этган. Хусусан, бу китоб бронза даври қабилалари ва уруғларининг бошини адолат билан бошқариладиган ижтимоий уйғунлашув, юртчилик, элчилик ғоялари атрофида бирлаштиришга хизмат этган десак, бу таъриф ҳам асар моҳиятини очишга ожизлик қилади. Муҳими шуки Авесто илк бора инсоният онгига дунёни таратган якка-ягона зотнинг борлиги, унинг номи Ахура Мазда эканлиги ҳақидаги фикрни етиштирди. Яъни одамзод тарихида илк бора ваҳдоният, якка худолик тушунчаси пайдо бўлди. Қабилалараро низолар, босқинлар, қонли жанглар, ғоявий тортишувлар замонида бу буюк жасорат ва инқилобий ходиса эди.

Инсоният учун тинч, осоишта ҳаёт, яратувчи меҳнат, табиат билан онгли уйғунликда тиллашиб-диллашиб яшай билиш, ижтимоий ахиллик, кенгашлилик ва меҳру оқибатчилик асосида келишиб ҳаёт кўриш, ўзаро ёрдам, кенгбағр, олижаноблик, ҳақгўйлик, ният холислиги, сўзда ростлик, лутфу нафосат ва андиша, амалда эса тўғрилиқ, худо буюрган эзгу мақсадга, яъни яхшилик дунёси равнақиға хизмат қилиш, инсоният қалбидан ёвузликни чиқариш, ниятни ёмонликдан поклаш, тан ва рух покизалиғига интилиш, этиқодда мустаҳкамлик, сўз, вада ва қасамёдга садоқат ва бошқа кўплаб миллий ҳамда умумбашарий ғоялар Авестода ажабланарли даражада мукамал ишлаб чиқилган. Қизиғи шундаки, унинг юзага келишида улуғ мутафаккир инсон Авестода тақидланишича Ахура Мазданинг суюкли, имонли бандаси Заратуштра муҳим роль ўйнайди. Авесто яратилган давр учун бу ғоялар қанчалик илғор бўлса, улар уч минг йил ўша ҳозирга қадар ҳам ўз кадрү ҳимматини йўқотмай келмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки Авесто ғоялари юксак умумбашарийлиги билан абадиятга дахлдордир.

Энг қадимий китоб қаерда пайдо бўлган? Бу саволга яқин-яинларгача аниқ жавоб бериб бўлмас эди.

Тарихчи олимлар ҳақиқатни излаб топмоқдалар. Уларнинг тадқиқоти натижасида, энг мўтабар, қадимги қўлёзма Авесто эканлиги маълум бўлди. Бу нодир китоб узоқ заминимизда, аниқроғи Хоразмда вужудга келган. У айни вақтда Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Озарбайжон халқларининг биринчи ёзма ёдгорлигидир.

“Авесто” китоби ва зардуштийлик динининг асосчиси Заратуштира (Зардухт, юнонча Зороастр) томонидан сурилган ғоя ва таълимотларга асосланиб вужудга келди.

“Авесто” маълумотларига кўра жамият тўрт асосий қисмга – уй, оила жамоаси – “нмана” ёки “дмана”, уруғ жамоаси – “вис”, қабила – “занту”, қабилалар иттифоқи – “дахию”га боғланади. “Авесто” – қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб беради. Булар – қоҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва хунармандлардир. Авестода ана шу халқларнинг қадимги даврдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, диний тасаввурлари, урф-одатлари, табиат ва жамият ҳақидаги билим ва қарашлари баён этилган. Авесто таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва бошқалар кўшилиб борган. Авестодаги кўп маълумотлар асосан оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Дастлабки ёзма нусхаси эса 12 минг мол терисига ёзилган деб ривоят қилинади.

Ватанимиз ҳудудида яшаб келаётган халқлар дунёнинг энг қадимий маданиятига эга бўлган халқлардан бири эканлигини тарихда “Авесто” номи билан маълум бўлган муқаддас китоб ҳам исботлайди. Дунёдаги энг қадимий динлардан бири Зардуштийлик (Оташпарастлик, зороатсризим) динидир. “Авесто” ана шу зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланади. Унда Марказий Осиё ҳудудларида яшаган барча туркий халқлар, форс-тожик, озарбайжон, афғон ва бошқа халқларнинг қадимги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари ўз аксини топган. Манбаларда “Авесто” китобини муаллифи Зардушт бўлганлиги қайд этилади. У ҳаётда яшаб ўтган тарихий шахс ҳисобланади. Таниқли файласуф олим Иброҳим Каримов “Мулоқот” ойномасининг 1992 йил 11–12 (23–24) сонларида чоп этилган “Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат” мақоласида Зардуштнинг милоддан аввалги 589–512 йилларда, яъни бундан 2600 йил муқаддам яшаб ўтганлигини ёзади. Олимларнинг таъкидлашича, Зардушт Спитома Марказий Осиё ҳудудида фаолият кўрсатган, илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим бўлган. Унинг уч ўғил ва бир қизи бўлган. Зардушт 40 ёшга етганда ўзигача бўлган кўп худолилик дини ақидаларига ҳамда табиат ҳодисаларига қарши чиқиб, яқка худоликка асосланган биринчи диний китоб “Авесто”ни яратган. Зардушт зардуштийлик динининг пайғамбарлари сифатида тан олинган ва эътироф этилган.

Зардушт яшаган даврда кишилик жамияти илгарилаб ривожлана борди. Кўчманчиликка асосланган Марказий Осиёда эски турмуш тарзи ўрнини ўтроқ яшаш эгаллай бошлади, суғориладиган деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик борган сайин тараққий этди. Янги – янги шаҳарлар, обод

қишлоқларнинг пайдо бўлиши ўтроқ яшаш турмуш тарзининг афзалликларини кўрсата борди. Ана шу ўтроқлик турмуш тарзининг одамларга бениҳоя кулфатлар келтираётган кўчманчиликка асосланган турмуш тарзига нисбатан афзалликларини оммага етказиш даврнинг асосий муаммоси бўлган.

Китобда покланиш (ювиниш гигиенаси), ёвузликни қарғаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, шайтон – иблисларни ҳайдашга қаратилган ҳаракатлар, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар ҳам катта ўрин олган. Жумладан, имонни сақлаб қолиш, гуноҳдан фориғ бўлишлик учун куйидаги дуони ўқиш тавсия қилинади: “Ей, оламнинг ҳукмдори Охурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман, ҳар қандай ёмон ният (фикр)лардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман, қилган гуноҳларимни кенг қараминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим”. Иккинчи китобнинг 7 та бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган. Зардушт худо охурамаздадан ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум қилишни сўрайди. Охурамазда бутун мавжудликнинг икки олий ибтидоси – эзгулик тўғрисида ваҳий қилади. Бир-бирига қарама-қарши бу бошланғич кучлар доимо биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини билдиради. Жаҳаннам Охурамазда ваҳийсида “Ҳаётнинг энг ёмон онлари”, осмон эса руҳнинг энг юксак ҳолати сифатида гавдаланади. Оламдаги ёвузлик ва нотакомиллик – ҳодисалар ва уларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш эса истиқболдаги иш бўлиб, имонли кишиларнинг фаоллиги туфайлигина бунга эришилади. Имонли кишилар Охурамазда юборган қонун – қоидалар, тартиботлар, насиҳат ва ўғитларига амал қилсалар эзгулик ёвузлик устидан албатта ғалабага эришиб бораверади.

Китобда қайд этилишича, олам қарама-қаршилиқлар асосида қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик билан зулмат, жонли табиатда ҳаёт билан ўлим, маънавий оламда эзгулик билан ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар биалин қонунсизликлар ўртасида доимий қарама-қаршилиқлар бор. Диний соҳада эзгуликни қарор топтириш руҳи билан ёвузлик руҳи ўртасида кескин кураш боради. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахриман унга қарши курашиб одамларни ёмонлик сари, ёвузлик сари бошлайверади. Китобнинг 30-башоратида таъкидланишича, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий курашда оралиқ йўқ, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишига мажбур. Шу боисдан диндорликда имон-эътиқод баркамоллик нишонаси сифатида муҳим ўрин тутаяди. Имон-эътоқод одамларга эзгуликни ёвузликдан сақлаш имконини беради. Имонли-эътиқодли одам

албатта эзгулик, яхшилик сари интилади. Ёвуз рухлар-дев, пари, иблис ва бошқалар гуноҳлар, адашишлар, ёлғонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвирланади. Охурамазда одамларни улардан сақланиш, ўзини четга олишга даъват этади. Иккинчи китоб Ёсиннинг 14-башоратида худо : ``Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тартиботларни улуғлайман``, дейди. Бундан кўринадик. Зартуштийлик имони уч таянчга асосланади:фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидир. Охурамазда одамларни “...ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик димоғдорлик, шуҳратпарастлик қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриши учун...” интилишга чақиради. “... Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содик қолиш, савдо-сотикда шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш” имонлик аломатларидир, дейилади. Имонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни имонга хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. “Танларингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг”, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейди Охурамазда.

“Авесто”да шахснинг ахлоқий ҳислатлари, ҳақгўйлик, адолатлилик улуғланади. Бундай эзгу сифатларга Охурамазданинг ўзи ҳам эга бўлиб, у шу билан бирга эзгуликка зид бўлган ёвузликка муросасиз душмандир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш. КАРИМОВ, Р. ШАМСУДДИНОВЛАР “ВАТАН ТАРИХИ”,Тошкент 1997-йил.
2. Р.Х. Муртазаевнинг “ Ўзбекистон Тарихи” , “Янги аср авлод”, Тошкент – 2003 .
3. Болалар энциклопедияси Б.Исақов “Авестода тиббиёт ва замон муаммолари”
4. “Тиббиёт ва замон” журнали 2007 йил №4 (5) –сони 8-9 бетлар
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1-том 65-66 бет